

2024 йилда муборак  
Қурбон ҳайитининг биринчи  
куни 16 июнь – якшанба кунига  
тўғри келиши тўғрисида  
Ўзбекистон мусулмонлари  
идорасининг ахбороти  
маълумот учун қабул қилиниб,  
юртимизда **16 июнь** кун  
**Қурбон ҳайити байрами**  
сифатида кенг нишонланади!

Қурбон ҳайитингиз  
муборак бўлсин!

13-iyun  
2024-yil 24 (1074)

O'ZLIDEP

АХШР

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETASI

© 21asr.uz © XXI\_asr@mail.ru @XXIasr\_yangiliklari XXIasrgazetasi asr\_xabarlarlari\_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan



## O'ZLIDEP – ЁШЛАР ТАҚДИРИДА

ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ



### ЖАСОРАТ БОҒЛАРИ

– Дастлаб 27 сотих  
ташландиқ ерда иш  
бошлаганмиз, – дейди у.  
– Захлаб ётган, узок  
йиллар умуман сув  
чиқмаган ерни ҳосилдор  
боққа айлантиришнинг  
ўзи бўлмади. Вақт,  
сарф-харажатларни  
айтиб ўтирмайман.



### 5 АДЛИЯ ХОДИМЛАРИ МАҲАЛЛАЛАРДА

Қадимдан ҳуқуқшуносликда “Ҳуқуқ ва қонун хушёр, огоҳ, ғайратли одамлар учун ёзилади, ғафлатда қолганлар учун эмас. Ким ҳуқуқларидан фойдаланмаса, қонунларга амал қилмаса, кўрган зарари учун ўзи айбдор” деган қарашлар мавжуд бўлган. Ва бу тўғри қарашлардир.

## “XXI ASR” ШАРҲИ АСРИЙ ДЎСТЛИК ВА ОЛИЙ ИШОНЧ ИФОДАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РЕЖЕП ТАЙИП ЭРДОҒАННИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН УШБУ МАМЛАКАТГА ТАШРИФИ ДАВОМИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ УЗОҚ-ЯҚИНДАГИ СИЁСИЙ ТАҲЛИЛЧИЛАР ХУДДИ АНА ШУНДАЙ БАҲОЛАШМОҚДА. ҚАРДОШ, ЖОНДОШ ХАЛҚЛАР ЖУРНАЛИСТЛАРИ ЭСА АЗАЛИЙ ЯҚИНЛИККА КЎПРОҚ УРҒУ БЕРИШАЁТИР.



## МАҲСУЛОТ ЭМАС, КАДР ЕТИШТИРГАН АФЗАЛ



### 6 ШАРОФ БОШБЕКОВ: МЕНИ ҲЕЧ КИМ ЁМОН КЎРМАЙДИ

Яхши кўрган одамингнинг ёмонлигини сеза олмасанг, ёмон кўрган одамингнинг яхшилигини сеза олмасанг, сен – касалсан, даволанишинг керак.





“XXI ASR” ШАРҲИ

# АСРИЙ ДЎСТЛИК ВА ОЛИЙ ИШОНЧ ИФОДАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РЕЖЕП ТАЙЙИП ЭРДОҒАННИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН УШБУ МАМЛАКАТГА ТАШРИФИ ДАВОМИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ УЗОҚ-ЯҚИНДАГИ СИЁСИЙ ТАҲЛИЛЧИЛАР ХУДДИ АНА ШУНДАЙ БАҲОЛАШМОҚДА. ҚАРДОШ, ЖОНДОШ ХАЛҚЛАР ЖУРНАЛИСТЛАРИ ЭСА АЗАЛИЙ ЯҚИНЛИККА КЎПРОҚ УРҒУ БЕРИШАЁТИР.

Дарҳақиқат, иқтисодий алоқалар бобда фаол қўлланганидан ҳамкорлик тушунчаси, дипломатик этикетга оид халқаро муносабатлар атамасидан-да кўп ишлатилган таъриф бу сафар ришталар бўлди. Ҳар икки Президент икки эл тарихан пайвандлигини мамнуният билан эътироф эттиди. Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қатори ган олгани бежиз эмас. Дарвоқе, бу йил икки мамлакат ўртасида расман дипломатик алоқалар ўрнатилганига 32 йил тўлди. Шундан буён Ўзбекистон ва Туркия халқаро майдонда ўзаро яқин ёки ўхшаш сиёсат юритиши билан ажралиб туради. Бу ҳам аслида, такрор бўлса-да айтилиши, қалбдан яқинлиқнинг ижтимоий ҳаётдаги намоёнлидир.

Анқара шаҳридаги тизим тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентини “Туркия Республикаси нишони” билан тақдирлаш маросими ўтказилгани юқоридаги фикримизнинг яна бир исботидир. Қардош дийрнинг олий давлат мукофоти Шавкат Мирзиёевга Режеп Таййип Эрдоған тантанали равишда топширди. Урғу берадиган муҳим жиҳати шундаки, Туркия Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ мазкур олий мукофот дўстона муносабатларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган давлат арбобларига берилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклини чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация имзоланган кунда Туркия Республикасининг бундай юксак мукофотини олиш мен учун катта шараф, – деди давлатимиз раҳбари. – Ушбу мукофот халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари, олий даражадаги ишончли мулоқот ҳамда икки томонлама кўп қиррали муносабатлар жадал ривожланишининг рамзидир.

Юқорида тизим сифати қўлланганининг боиси бор, албатта. Ташриф кун тартиби рўстан ҳам ниҳоятда тизим бўлди. Бир кунда кўплаб тадбирлар режалаштирилгани сабабли нафақат дақиқалар, балки соғиналар ҳам ҳисобга олинди. Бу борада ҳар икки Президент қисқа вақтда ҳам самарали ишлаш мумкинлиги, натижага эришиш имкони мавжудлиги бўйича маҳорат сабоғи ўтиб берди, десак муволафа бўлмайди.

## ИККИ ҚИТЪА ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

Туркия жанубий-шарқий Европа ва ғарбий Осиёни бевосита боғлаб туривчи давлат ҳисобланади. Худудининг 3 фоизи Европа, 97 фоизи Осиё қитъасида жойлашган. Жами 81 та (вилоят) ва 973 илча (туман)дан иборат маъмурий бўлинишга эга мамлакатда 86,6 миллион киши яшайди. Аҳолисининг 75 фоизини турклар, 18 фоизини курдлар, қолганини араб, грек, арман, яҳудий ва бошқа миллатлар вакиллари ташкил этади. Истанбул, Анқара, Измир, Бурса ва Анталия каби йирик шаҳарлари дунёга машҳур.

Жаҳон айвонида Туркиянинг ўз ўрни, мавқеи бор. Бу-наинки сиёсат жабҳасида, айна пайтда иқтисодий тараққиёт бобида ҳам яққол кузатиш мумкин. Айниқса, охириги 10-15 йилда Туркия кучли тараққиётга эришди. Саноати ривожланиб, ялпи ишлаб чиқаришда жиддий ўсиш кузатилди. Бундай давлат билан яқинлиқдан Ўзбекистон ҳар томонлама манфаатдор.

Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған раислигида Ўзбекистон – Туркия олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилишида ўзаро муносабатларимиздаги мазкур жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

– Стратегик ҳамкорлик кенгашининг ташкил этилиши Ўзбекистон – Туркия муносабатлари тарихида янги саҳифа очди ва шериклининг барча соҳаларида янада ривожланишга кучли суръат бағишлади, – деди давлатимиз раҳбари. – Сиёсий мулоқотлар, парламентларо алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувлар жадаллашиб, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик фаоллашмоқда.

Энди статистика мутахассислари яхши тушунадиган куйидаги рақамларни ўзингиз таҳлил қилиб кўринг ва ҳулосани ҳам ўзингиз чиқаринг: сўнгги йилларда ўзаро савдо ҳажми 1,5 баробарга, кўшма корхоналар сони 2 баробарга, Ўзбекистон иқтисодийига турк инвестициялари ҳажми 2,5 баробарга ошди. Икки давлатнинг йирик шаҳарлари ўртасида ҳафта сизга 90 та парвоз амалга оширилмоқда, Туркиядан келаётган туристлар оқими 3 баробарга кўпайди. Яқин келажақда икки томонлама савдо ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Маррани янада баланд олиш ниятида саноат кооперациясини кучайтириш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш ва биргаликда учинчи давлатлар бозорларига чиқиш чоралари кўриляпти. Шунингдек, имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида божхона тарифларининг пасайтирилиши, Истанбул шаҳрида Ўзбекистон савдо ваколатхонасининг очилиши ҳам бежиз эмас.

Ташриф давомида қишлоқ ва сув ҳўжалиги, соғлиқни сақлашни рақамлаштириш ва тиббиёт кластерларини ташкил этиш соҳаларида Туркиянинг илғор тажрибасини жорий этишга талаб борлигига эътибор қаратилди. Ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши икки мамлакатнинг транспорт-логистика салоҳиятини ошириш, шу жумладан, Урта коридор имкониятларидан самарали фойдаланишидир.

## ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

Кун бўйи ўтказилган сиёсий мулоқотларнинг бири иккинчисини тўлдириб, тадрижийлик касб этгани эътиборимизни тортгани рости. Шу маънода, Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши якунига етгач, Ўзбекистон – Туркия Ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилишида бевосита қатнашишга диққатга сазовор. Таъкидлаш ўринлики, тадбиркорлар билан бундай форматдаги мулоқот илк бор ўтказилди. Ўзбекистон ва Туркия Президентлари Ишбилармонлар кенгашининг тузилиши икки томонлама



муносабатлар ривожига янги босқич эканини олқишлади. Ташриф арафасида бўлиб ўтган бизнес форуми ва ишбилармонлик тадбирлари натижасида қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, энергетика, соғлиқни сақлаш, геология, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, заргарлик, тўқимачилик ва чарм саноати соҳаларида кўплаб икки томонлама ҳўжатлар имзолангани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қардош элларнинг ишбилармонлари билан очик мулоқотга киришар экан, давлатимиз раҳбари ҳамкорлик бобида, энг аввало, инвестициявий шериклик ва саноат кооперациясини кенгайтиришни тақлиф этди. Чунки Ўзбекистон ва Туркия саноат кластерини ташкил этиш юзасидан келишувга эришди. Ушбу саноат зонаси икки мамлакат ўртасида амалий ҳамкорликнинг локомотивига айланиши назарда тутиляпти. Шунингдек, қончилик саноатида ҳамкорлик қилиш лозимлиги тилга олинди, Туркиянинг йирик кон-геология компаниялари билан фойдали қазилмаларни ўрганиш ва қазиб олиш бўйича амалий ишлар бошлангани қайд этилди.

Президентлар билан фикр алмашиш давомида турк ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистонда олиб борилаётган орта қайтмас ислохотлар натижасида пайдо бўлган имкониятларни юқори баҳолаганини ҳам таъкидламоқ жоиз.

## ОАВ: МУЛОҚОТ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Анқара шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги расмий учрашувлардан кейин Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳузурига чиқиди.

Туркия вақт синовидан ўтган ишончли ҳамкор. Дав-

латимиз раҳбари журналистлар билан мулоқотда ана шу фикрга урғу берди. Режеп Таййип Эрдоған бошчилигида Туркияда халқ фаровонлигини ошириш борасида ҳайратланарли инфратузилма лойиҳалари амалга ошириляганини эътироф этди.

– Биз чин қардош ва яқин дўст сифатида Туркия халқи эришаётган бундай оламшумул ютуқлардан нафақат қувонамиз, балки беҳад фахрланамиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бизнинг олдимизга қўйган ниятларимиз ва истакларимиз бир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигининг янги, янада мустаҳкам кўприкларини қурапти. Ҳеч шубҳасиз, икки томонлама алоқалар тарихида янги саҳифа очилмоқда. Бундай юксак даражадаги мулоқот формати ўзаро ҳурмат, асрий дўстлик ришталари ва олий даражадаги ишонч ифодасидир.

Президентлар ОАВ ходимлари учун берган баёнотларида минтақавий масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилганини ҳам маълум қилишди. Халқаро майдонда давлатларимиз бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаши, жумладан, БМТ, ИХТ, ТДТ доирасида ҳамкорликнинг давом эттириши билдирилди. Ҳазо секторда эўравонлиқни зудлик билан тўхтатиш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

– Барқарор ва узоқ мuddатли тинчликка эришиш учун мустақил ва озод Фаластин давлати ташкил этилиши шарт, – деди давлатимиз раҳбари. – Аслида Фаластин муаммоси бутун Яқин Шарқ муаммосидир.

Ўзбекистон ана шу ўткир муаммо бўйича Туркия томони илгари сураётган адолатли ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб этиш борасида олиб бораётган ишларни изчил давом эттиради.

Озод РАҲАБОВ,  
“XXI asr” шарҳловчиси

СИЁСИЙ ЎҚУВЛАР

# ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

“Янги Ўзбекистонни барпо этишда сиёсий партиялар ролини янада ошириш” мавзусидаги ўқувлар давом этмоқда.

O'zLiDePнинг республика ижтимоий-сиёсий майдонидаги ролини янада ошириш мақсадида халқ ҳўжалиги соҳаларидаги кадрлар, хусусан, партиянинг мутахассис-ҳодимлари, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, депутатлик ва жамоатчилик гуруҳлари аъзолари, шунингдек, тадбиркорлик ва фермерлик субъектлари вакиллари иштирокида ўқув семинарлари бошқичма-бошқич ўтказиб боришмоқда.

Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерлиқни қўллаб-қувватлаш марказида “Сиёсий партиялар – жамиятнинг муҳим сиёсий институти: бу борада O'zLiDePнинг ўрни ва роли” мавзусида ташкил этилган ўқув семинарларида бошланғич партия ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Машғулотларни O'zLiDeP ҳузурдаги “Тараққиёт” сиёсий таълим маркази мутахассислари ҳамда бо-



шқа нуфузли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг тажрибали эксперт-олимлари олиб боришмоқда.

Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик ва ижтимоий давлат қуришда том маънодаги ҳуқуқ устуворлиги, плюрализм ва кўппартиявийлик тизимини шакллантириш мамлакатнинг стратегик тараққиётини белгиллаб берувчи омиллардан бири саналади. Давлат бошқарувида “ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати” тамойилига хизмат қиладиган партиялар ўртасида соғлом ва конструктив рақобатни

шакллантириш устувор йўналишга айланади. Сиёсий рақобатнинг мумтоз ва замонавий моделларига мурожаат қилиш, ижтимоий трансформация ва модернизация жараёнида сиёсий партияларнинг иштирокини кучайтириш ҳамда ҳокимият ротацисидида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш масалаларига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: “Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай

олади. Биз нафақат O'zLiDeP, балки барча партиялар мисолида ана шундай қудратли, сафарбар этувчи кучни кўришни истаймиз”, дея таъкидлагани бежиз эмас.

Кўппартиявийлик сиёсий партияларнинг мамлакатда амалга ошириляётган ислохотларда фаол иштирокини амалга оширишга имкон берувчи муҳитни шакллантириш билан бевосита боғлиқ. Айна кўппартиявийлик тизимининг мавжуд ҳолати, унинг тараққиёт йўналишлари кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеини белгилувчи фактордир. Унинг таҳлили эса Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни қандай бўлиши, қандай йўналишларда ривожланиши мумкинлигини тушуниб олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан ўтказиляётган туркум ўқув-семинарларида Янги Ўзбекистонда янгилик ва тараққиёт омиллари, жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш, эркин ва кучли иқтисодийнинг муҳим шарти ва гарови, қонун ва адолат устуворлигини таъминлашда сиёсий партияларнинг, хусусан, O'zLiDePнинг ўрни ва роли қандай бўлиши кераклиги ва бошқа

масалаларга эътибор қаратилмоқда. Машғулотлар давомида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти шаклланиши, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий интеграциялашувда сиёсий партиялар иштирокини кенгайтириш ҳамда партияларо рақобатни ривожлантиришга қаратилган бир қанча тақлиф ва тавсиялар илгари сурилмоқда.

Биринчидан, бугунги кунда сиёсий партияларни давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги долзарб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар борасида доимий изланишлар олиб борадиган, аҳолини (электоратни) қийнаётган муаммолар ечимлари юзасидан аниқ ва манзилли дастурлар ишлаб чиқадиган, давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назорати ва ижтимоий ҳамкорлик ўрнатадиган “ақл фабрика”ларига айлантириш зарурати мавжуд.

Иккинчидан, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган сиёсий партияларни вакиллик демократияси институтига айлантириш учун, энг аввало, уларнинг иш самарадорлигини ошириш, электорат билан ишлашда янги,

XXI асрга хос инновацион ижтимоий механизмларни қўллаш ҳамда партияларо соғлом рақобат муҳитини яратиш лозим.

Учинчидан, давлат ва жамият ижтимоий-сиёсий тизими шаффофлиги ва легитимлигини таъминлаш, аввало, хилма-хиллик муҳитини яратиш ҳамда сиёсий плюрализмга ҳам боғлиқдир. Партияларо рақобат ва фракцияларо кураш механизмларини янада такомиллаштириш талаб этилади. Таъкидлаш лозимки, кўппартиявийлик тизими ўз-ўзи билан демократияни ёки рақобат муҳитини яратмайди.

Тўртинчидан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида илгари суриляётган улкан ислохотларнинг қай даражада муваффақиятли кечиши ушбу йилда мамлакатимизда қиладиган парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Таъкидлаш лозимки, бугун Ўзбекистонга том маънодаги демократик сайловлар, демократик партиялар ва демократик парламент жуда зарур.

O'zLiDeP матбуот хизмати

ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

Хоразмда хонқаликлар ҳақида гап очилса борми, аввало, уларнинг уста деҳқон ва ишбилармонликларига алоҳида таъриф берилди. Нафақат Қуйи Амударё минтақасида, балки республиканинг бошқа вилоятларида ҳам шу ҳудуд одамларини учратиш мумкин.

# ЖАСОРАТ БОҒЛАРИ

Оддий мисол: тўрт йилча бурун Олажа қишлоғида оддий бир ўқитувчи аёл 6 сотих томорқасидан юз миллион сўм даромад топаётгани учун давлатимиз раҳбари фармони-га кўра, "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланганида кўпчилик "Ия, ўз томорқангда ишлаб ҳам давлат мукофоти олишинг мумкин экан-а!" деб таажжубланишгани рост.

Ана шу қишлоқнинг чеккасидаги каттагина майдон ўн йилча аввал ташландиқ ҳолда ётарди. Бугун бу гўзал маскани кўриб кўзингиз қувонади. Инсон қўли гул, дегани шу-да!

Ҳали-ҳали эсимда. Шўроларнинг пахта яккахокимлиги даврида туман марказидаги Пахтани қайта ишлаш заводи ҳудудига сўмаган ҳосил "Пахта қабул қилиш пункти" деб аталган алоҳида майдонларда кўпи билан беш-олти ойча сақланарди. Кейин ҳайҳотдай майдонда нукул пашша кўриб ўтирадиган қоровулдан бошқа зўғ ҳам бўлмади.

Хуллас, Олажада ҳам пахта майдонлари кескин қисқариб кетгани учун эски пахта пункти қаровсиз ҳолда ётганди. Катта йўл тарафи кузу қиш ойларида кичкина "қовун бозори"га айланади ҳолос.

Аҳолининг турар жойга бўлган талабини қондириш мақсадида шу ерда намунали уйлар қурилиб, унга "Ойдин ҳаёт" маҳалласи деб ном беришди. Бугун бу ерда савдо дўконлари, маиший хизмат шохобчалари, спорт майдончаси, қисқаси, барча қулайликлар мўҳайё.

Шугина эмас. Маҳалла ҳудуди бугун гўзал боғлари билан ҳам тилга тушган, узумзор олмазорларга уланиб кетган.

Ана энди ўша эски "пахтапункт"нинг ўт-ўланлар босиб ётган бир чеккасини Жасур Назаров аёли ва фарзандлари билан қисқа фурсатда қандай обод қилгани ҳақидаги ҳикоямизни эшитинг.

– Дастлаб 27 сотих ташландиқ ерда иш бошлаганимиз, – дейди у. – Захлаб ётган, узоқ йиллар умуман сув чиқмаган ерни ҳосилдор боққа айлантиришнинг ўзи бўлмади. Вақт,



шу 130 туп мевали дарахтларнинг беш йилдан сўнг ҳар бири 100-120 килограмдан ҳосил бериши мумкин экан.

2023 йилда олинган нишона ҳосилнинг бир ярим тоннаси бозорга чиқарилиб, 30 миллион сўм даромад топишибди азаматлар. Демак, келгуси йилларда ана шу тўрт сотих-

варишланаётган хорижий навли мевали дарахтлар тагининг бир қаричи ҳам бўш эмаслигидир. Яъни, бодринг, помидор, бақлажон, сабзи, пиёз, қулупнай каби сабзавотлар экилган, улар аллақачон ҳосил нишонлари кўрсатгани ҳайратимизни оширди. Боғдорчиликнинг бу усулини "икки қаватли ҳосил" деб бемалол аташ мумкин.

Тадбиркорликни касбга айлантирган бу замондошимиз ўзига ажратилган ер майдонининг ҳар қаричидан ғоятда унумли фойдаланяпти. Бир томонда қорва боқилса, яна бир бурчақда товқчилик йўлга қўйилган. Тезкўпаяр қуён парвариллаш ёки кичик сув ҳавзасида балиқчиликни йўлга қўйиш орқали оладиган даромади тобора салмоқли бўлаёттир. Яна денг, аҳолига инкубация орқали жўжа чиқариб тарқатишни ҳам қанда қилмайдди.

Президентимиз ташаббуси билан бошланган ва изчил давом этаётган "Яшил макон" ҳаракати ҳам бу оила аҳли имкон қадар ўз ҳиссасини қўшишга интиляпти. Масалан, боғ атрофида чиройли яшил белбоғ яратилган – 140 туп терак ва 70 туп узум экилган. Тераклар аллақачон қурилишга яраб қолган, узумлар эса йил сайин юк босаёттир. Токлар эса аллақачон томчилаб сугориш тизимига уланган.

Булар ҳали денгиздан бир томчи ҳолос. Жасур Назаров Сирдарёдан анор, қора анжир, Туркиядан турли навадаги олма, Эрондан писта кўчатлари келтириб, тажриба тариқасида экканди. Писта бу йил нишона кўрсатибди. Яна воҳа муҳитига чидамсиз деб келинаётган бодом ҳам парвариллашиб, ўзимизнинг иқлимга чидамлилиги синовдан ўтказилмоқда.

Айни пайтда Хонқа тумани ҳокими ёрдамчиси вазиқасида ишлаётган Жасур Назаров элдошларини муқим иш билан таъминлаш, қишлоқда иссиқхоналар сонини ошириш ва албатта ўз тажрибасидан келиб чиқиб, боғлар яратишда жонбозлик кўрсатмоқда. Яқинда маҳалладаги 14-сон умумтаълим мактаби битирувчиларини ўз қўли билан яратган сўлим боққа таклиф қилиб, мевали дарахтларга шакл бериш, баҳорги пайвандлаш, орасида полиз экинлари етиштириш борасида маҳорат дарси ўтибди. Бу сабоқлар фақат илмий маслаҳат бўлмай, ҳар бир ўқувчига ўзи экиб парвариллаётган мевали дарахтларнинг мевали шохчаларини "пайванд-дўст" сифатида тарқатди. Шу сабаб бугун маҳаллада янгидан яратиладиган боғларда четдан келтирилган тезишар, ҳосилдор дарахтлар сони ошишига ҳиссасини қўшди.

"Орол денгизи бошига тушган ҳалокат сабаб экология бузилган ҳозирги даврда атроф-муҳит мусоффолигини асраш учун манзарали ва мевали дарахтларни кўпайтиришимиз керак. Қанийди, ҳар бир инсон кичкинагина бўлса-да, боғ яратса! Ҳам мевасидан баҳраманд бўлади, ҳам она табиатни асрашга хизмат қилади!"

Жасур Назаровнинг чин юракдан айтган ушбу қанотбахш сўзлари замирида ҳаётга, тирикликка меҳр-муҳаббат ва фидойилик ҳислари ётибди.

Рўзимбой ҲАСАН,  
"XXI asr" муҳбири



сарф-харажатларни айтиб ўтирмайман. Йилдан йилга чиройли масканга айланаётганини кўриб, руҳимиз кўтарилиб бораверди. Ҳозир обод бўлган боғимиз салкам қирқ сотихга етиб қолди.

Кундан кунга яшнаб бораётган боғда бугун маҳаллий навлар қаторида Европа ва ҳатто океан ортдан келтирилганлари ҳам талайгина. Тўрт сотих қисмига Калифорниянинг "Блек сплейдер" ва "Анжелино" навли олхўри кўчатлари уч йил олдин экилган экан. Улар ўтган йили, яъни иккинчи мавсумдаёқ илк ҳосилини берибди – оз эмас нақ 2 тонна! Мутахассислар фикрича, биргина ана

гина ердаги олхўриларнинг ўзидан юз миллиондан кўпроқ фойда келиши аниқ.

Бундан ташқари тиниб-тинчимас боғбон яна тўрт сотих жойга "Магадо" навли испан ўриги эккан. Бу эртапишар ўрик май ойидаёқ пишиб етилиб, бозорга чиқарилди.

Қаҳрамонимизни ҳеч иккиланмай "тажрибали селекционер" десак муболаға бўлмас керак. Боиси, у Франциядан "Брисса" навли ўн беш туп ўрик кўчатини келтириб, тажриба тариқасида экканди. Европа иқлимидан "туғилган" бу навли ўрик маҳаллий шароитга тез мослашиб кетди шеклилли, шу йилдаёқ дастлабки ҳосил дастурхонга қўйилди.

– Хориждан янги-янги навларни келтириб экатганимнинг сабаби, улар эртапишар, бундан ташқари ҳосилдорлиги маҳаллий навларга қараганда икки баравар кўп. Испанларнинг "Магадор" ва французларнинг "Приция" навли ўриклари экилган йилнинг ўзидаёқ нишона беради ва иккинчи йили ёппасига ҳосилга қиради. Оддий мисол: Туркиядаги "Магадор" ўриги май ойи охирида пишади ва ҳосили 110 та давлатга экспорт қилиняпти. Ана энди Хоразм тупроғининг боғдорчилик учун қулайлигини ҳисобга олиб, айнан шундай навларни қанча кўпайтирсак, вилоятимизнинг экспорт салоҳияти қисқа фурсатда бир неча ҳисса ошиши мумкин, – дейди Жасурбек.

Бу каби жонфидолик ортида она юрт тақдири, унинг нузли эртаси учун қайғуриш ҳисси ётганини англаш қийин эмас.

Яна бир қувонарли жиҳати, боғда пар-

БИЗНИНГ ВАКИЛИМИЗ



## МАҲСУЛОТ ЭМАС, КАДР ЕТИШТИРГАН АФЗАЛ

ДЕЙДИ АНГРЕН ШАҲАР 2-СОН КАСБ-ҲУНАР  
МАКТАБИ ДИРЕКТОРИ, O'zLiDeP АЪЗОСИ  
ФАРҲОД МҶМИНОВ

Ўзбекистонда аҳолининг демографик ўсиши туфайли ҳар йили 500 мингдан ортиқ ёшлар меҳнат бозорига кириб келмоқда. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам етарли даражада касбий кўникмага эга эмас. Ҳўш, аввало ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш қанчалик зарур?

30 нафар ўқувчилар амалиётини ҳамда 10 нафар ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини ошириш бўйича келишувга эришдик.

Мактаб раҳбарининг изоҳ беришича, 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб, "Тикувчилик" ва "Ошпазлик" йўналишлари бўйича қабул режалаштирилган бўлиб, бунда назарий қисм касб-ҳунаар мактабиди, амалий қисми



Сабаби шундаки, бир замонлар актуал бўлган жарчи, телеграф оператори каби касбларга бугун эҳтиёж йўқ. Ушбу машғуллар ўрнини электромобиль тузатувчи уста, 3D архитектор ва ижтимоий тармоқ сотувчиси каби касблар эгаллаб улгурди. Шунингдек, бошқа касблар ҳам бир жойда депсиниб тургани йўқ. Улар ҳам замонавий ахборот технологиялари билан омичта тараққий этиб бормоқда.

Ангрэн шаҳридаги 2-сон касб-ҳунаар мактаби ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлмади. Бироқ мактаб ўтган қисқа давр ичиди ўзининг услуби ва савияси билан шухрат қозонди. Бугун касб-ҳунаар маскани 9 та йўналиш бўйича жами 1 330 нафар ўқувчига таҳсил бериб келмоқда. Касб ўрганувчиларга 58 нафар олий маълумотли педагог ўқитувчилар ҳамда 49 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари амалий билим бермоқда.

Касб-ҳунаар мактабиди ўқувчиларнинг билими ва амалий кўникмаларини ошириш мақсадида бир қатор чет эл корхоналари ҳамда юқори ташкилотлар билан алоқалар йўлга қўйилган. Хусусан, 2024 йил апрель ойида бўлиб ўтган "Ўзбекистон – Беларусь биринчи профессионал таълим форуми" шулар жумласидандир.

– Форумда икки давлат ўртасида қўша таълим дастурларини ривожлантириш мақсадида бир қатор истиқболли лойиҳалар тийёрланди, – дейди Ангрэн шаҳар 2-сон касб-ҳунаар мактаби директори Фарҳод Мўминов. – Унга кўра, Ўзбекистоннинг 14 та туманида Беларусь тажрибаси асосида электротехника ва қайта тикланувчи энергетика, қурилиш ва коммунал хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат технологиялари, машинасозлик ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мутахассисликлари бўйича янги таълим дастурларини жорий этиш белгиланди.

Шунингдек, форум доирасида Беларусь давлатида яратилган 30 номдаги замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларини касб-ҳунаар мактабимизда жорий этиш, таҳсил олаётган

эса корхоналарда ўтказилиши мўлжалланган.

Дуал таълим тизими аънанавийга нисбатан бир нечта афзал жиҳатларга эга. Жумладан, назарий олинган билимларни амалиётда қўллаб мустаҳкамлаш мумкин. Шу муносабат билан ушбу йўналишда фаолият юритаётган "Limax gold textil", "Biznes ledi", "Uchquduq", "Osiyo zamon baraka" масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда "Муҳандис" кичик корхонаси билан шартномалар имзоланган.

Мактабга 60 донна замонавий компьютер жамланмаси, 20 та темир оёқли магнит ва 4 донна электрон доскалар ўрнатилган бўлиб, жорий ўқув йилида мактаб ўқитувчиларининг 5 та ўқув услуби қўлланмаси китоб шаклида чоп этилган.

O'zLiDePдан Халқ депутатлари Ангрэн шаҳар кенгашига сайланган Фарҳод Мўминов ташаббуси билан айниқса хотин-қизлар ва ёшларни профессионал таълим билан қамраб олишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани ғоят хайрлидир. Жумладан, ишсиз, камбағал оила фарзандлари ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳам муаммолари ўрганилиб, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, касб-ҳунаарга йўналтирилмоқда.

Шунингдек, халқ ноиб ташаббуси билан ҳудудда даромаднинг ошириши, шахсий кўникмаларни шакллантириш, имтиёзли кредит ва субсидия олиш шартлари бўйича турли тарғибот тадбирлари мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

Зеро, замонавий дунёда маҳсулот етиштиришдан кўра кадр етиштириш афзалроқ. Чунки яхши мутахассис яхши маҳсулот ярато олади. Шу боис бойишни истоган жамият биринчи галда яхши кадрларни тарбиялайди, кўтарди ва йўлини очади.

Бундай машаққатли йўлда Ангрэн шаҳридаги 2-сон касб-ҳунаар мактабининг аҳил жамоасига ҳамisha омад ёр бўлишини тилаймиз.

Шерхон УБАЙДУЛЛАЕВ,  
ЎЗДЖТУ талабаси



## ЯНГИ ФАРМОН МОҲИЯТИ

АДЛИЯ ХОДИМЛАРИ  
МАҲАЛЛАЛАРДА

Қадимдан ҳуқуқшуносликда “Ҳуқуқ ва қонун ҳушёр, огоҳ, ғайратли одамлар учун ёзилади, ғафлатда қолганлар учун эмас. Ким ҳуқуқларидан фойдаланмаса, қонунларга амал қилмаса, кўрган зарари учун ўзи айбдор” деган қарашлар мавжуд бўлган. Ва бу тўғри қарашлардир. Шундай экан, қабул қилинаётган қонунлардан ҳар биримиз ўз ўрнида фойдалана олсак, доимо, ҳар ерда ҳуқуқларимиз таъминланишига эришамиз.

Бугун давлат сиёсати ва жамият тараққиётининг асосий устувор йўналишлари инсон қадрини, унинг фаровонлиги ва эркин ҳаёти учун қаратилади. Аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда эса адлия идораларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 24 майдаги “Мазмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги фармони соҳа ходимларининг бу борадаги фаолият йўналишларини янада кенгайтирди, уларнинг зиммасига бир қатор кўшимча масъулиятли вазифалар ҳам юклатди.

Мазкур фармондан кўзланган энг асосий мақсад адлия органлари кўпроқ одамлар орасида бўлиб, уларнинг дарду ташвишларини тинглаши, хусусан, аҳолига бепул бирламчи юридик ёрдам кўрсатиб, мавжуд муаммоларини маҳаллаларда ўзида ҳал қилинишини таъминлашдир. Бунинг учун туман ва шаҳар адлия бўлимлари томонидан ҳар ойда маҳаллаларда “Адлия куни” тадбирлари ўтказилади. Бунда олис ҳудудлардаги маҳаллаларда ҳар ойда камида икки мартаба сайёр давлат хизматларини кўрсатиш, уйма-уй юриш ва

“Ҳуқуқий кўмак” акцияларини ўтказиш орқали фуқаролар кундалик ҳаётида аниқланадиган ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш кўзда тутилган.

Шу боисдан ҳафтанинг дам олиш кунлари вилоят адлия тизимидаги ходимлар томонидан “Маҳалла ҳуқуқшуноси” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Улар ўз яшаш манзилидаги “маҳалла еттилиги” билан биргаликда фуқароларга ҳуқуқий масалаларда тушунчалар бериш асосида муаммоларини ҳуқуқий ечимларини топишда яқиндан кўмаклашмоқда.

Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилоятидаги мавжуд 1 025 та маҳалла фуқаролар йиғинида “Адлия бурчаги” ташкил қилинди. Адлия бошқармаси, туман ва шаҳар адлия бўлимлари, давлат хизматлари, юридик хизмат кўрсатиш марказлари ҳамда ФХДБ бўлимлари томонидан вилоятдаги барча маҳаллаларда режа асосида ҳафтанинг чоршанба кунлари ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Тадбир давомида аҳолига сайёр давлат хизматлари ҳам кўрсатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президент фармонида мактаблардаги ҳуқуқий таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратилган. Шу орқали ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва пок-

лик тушунчалари ҳамда одоб-ахлоқ меъёрларини сингдириб бориш, Конституциямизнинг муҳим жиҳатларини уларга болалигиданоқ чуқурроқ ўргатиш мақсад қилинган.

Хусусан, республикамиздаги мактабларда 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб адлия вазирлигининг махсус электрон платформаси орқали ҳуқуқ фани ўқитувчиларининг касбий билим ва кўникмаларини узлуксиз ошириб бориш ҳамда уларни методик таъминлаш тизими йўлга қўйилди. Ўқувчилар ўртасида “Ҳуқуқ билимдони” фан олимпиадаси, ҳуқуқ фани ўқитувчилари ўртасида эса “Энг яхши ҳуқуқ ўқитувчиси” курик-танлови ўтказиб борилади. Шу билан бирга, мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий билимларини мустақил ўзлаштиришига қаратилган кўргазмалар ўқув қўланмалари, видеолавҳалар, компьютер ўйинлари ва мобиль иловалар яратилади.

Давлат органларининг ёшларга ўз эшикларини очишини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш лозим. “Тенгдошимга ҳуқуқий ёрдам” тадбирлари доирасида адлия органларига ёшларни олиб бориш имкони яратилди. Бу дегани ёшлар ҳақиқий профессионал юристлар билан мулоқот қиладилар. Бундан ташқари, вазирлик ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг 4 та малака ошириш марказлари бирлаштирилиб, Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ташкил этилмоқда. Шунингдек, вазирлиқнинг “Давлат хизматларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси негизда Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти ҳам ташкил этилади.



**Бекзод АРТИКОВ,**  
Тошкент вилояти адлия  
бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Мазкур ҳужжат билан марказлар орқали яна 13 та янги хизматлар жорий этилмоқда ва давлат хизматларининг ҳар бир маҳалла ва фуқаронинг ҳаётига янада яқинроқ кириб боришини таъминлаш мақсадида тадбиркорларга ҳам агент сифатида 15 турдаги давлат хизматларини кўрсатишга рухсат берилди.

Яна бир қулайлик жиҳати, давлат хизматларини кўрсатишда Face-ID тизимининг жорий қилинишидир. Face-ID тизими – бу бирор давлат хизматидан фойдаланмоқчи бўлган фуқаронининг юзидан таниб, у ҳақдаги маълумотларни автоматик равишда аниқлайдиган тизим ҳисобланади. Ҳозирда фуқаролар Давлат хизматлари марказига келганда унинг шахсини аниқлаш учун паспорт ёки ID-карта талаб қилинади. Эндиликда, Face-ID тизими жорий этилса, ушбу ҳужжатларга ҳам зарурат бўлмайди, тизимнинг ўзи фуқаронинг кимлигини аниқлаб беради. Ушбу ўзгаришлар, албатта, фуқароларнинг вақти ва маблағини ташғашга хизмат қилади.

2025 йил 1 январдан мамлакатимиз фуқаролари, Ўзбекистонда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсга доир маълумотлари ягона электрон базаси – аҳолининг ягона электрон реестри жорий этилади. Давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинади ҳамда фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш, нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш, банк, коммунал, суғурта ва бошқа хизматларни кўрсатишда шахсга тааллуқли маълумотлар ушбу реестрдан олинади.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари имзолаган ушбу муҳим ҳужжат, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан босқичма-босқич самарали таъминланишига эришиш, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг сифатли механизмларини тақомиллаштириш орқали инсон қадрини юксак даражада эъзозлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

## ТАРБИЯ

СУЯНГАН  
ТОҒИНГИЗ  
НУРАБ  
КЕТМАСИН

Турк ёзувчиси Умар Сайфидиннинг бир ҳикояси бор. Унда мушук боласи шошқалоқлик қилиб, дастурхон оралаб кетади. Табиийки, бундан одамлар безовта бўлади. Боласининг бу одобсизлигидан она мушукнинг қаҳри кўзиб, уни тишлаб, тимдалаб ташлайди. Шундан сўнг, мушукча бошқа ҳеч қачон дастурхон устига чиқмайди...

Сўзимни ушбу ҳикоя билан бошлашимнинг ўз сабаби бор. Яъни...

Азалдан ўзбек халқи фарзанд тарбиясига жуда эътиборли бўлган. Ҳам сўз билан, ҳам ўзларининг бажараётган амаллари орқали ҳаромдан ҳалолнинг фарқини, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилишни, Ватанга, оилага муҳаббатини чуқур сингдириб келганлар.

Таъбир жоиз бўлса, нафақат оила, балки ер юзидagi ҳар бир мамлакатнинг гуллаб яшнаши, шак-шубҳасиз таълим ва тарбияга боғлиқдир. Ёшлар тарбияси, уларни илмли ва ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш барча замонларда муҳим вазифа ҳисобланган. Шу боис қадимдан машҳур донишмандлар тарбия тўғрисида қимматли фикрларни ёзиб қолдиришган.

Хусусан, хитойлик донишманд Сунь Цзы “Чақалоқлар ҳамма ерда бир хил йиғилади. Катта бўлганларда эса турли қилиқлар қилишади. Бу – тарбиянинг оқибати”, деб қайд этган бўлса, улўғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний “Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғриллар, гиёҳандлар ва нашавандлар... Кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир”, деб ёзиб қолдирган.



Фарзандни тарбиялаш – бу катта масъулият. Бугун аксар ота-оналар иши кўпчилиги ва бошқа сабабларни ваҳ қилиб, фарзандлари тарбиясини смартфон, планшет каби гаджетлар ихтиёрига топшириб қўймоқда. Оқибатда бола таълим-тарбия олиб камол топадиган айна даврда виртуал қотиллик билан шуғулланмоқда. Турли видеолар томоша қилмоқда. Бунинг оқибатида бола, жиззак ва кўрс бўлиб улғаймоқда.

Аллақачон бунинг оқибатлари намён бўлаётгани ҳам бор гап. Мисол учун, авваллари болаларни кўчадаги

ўртоқлари ва ўйинидан узиб, уйга олиб кириш қийин бўлган бўлса, ҳозир уларни телефондан ажратиб кўчага чиқариш муаммага айланмоқда. Шунингдек, илгари ёшлар жамоат жойларида, транспортларда ўзидан катталарга дарҳол жой бўшатар, ота-онасини жеркиб ташлаш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг кўзларига тик боқолмасди. Афсуски, бугун орамизда ўз фарзандидан кўрқиб ҳавотирда, жон ҳовучлаб яшаётган оилалар ҳам кам эмас...

Одатда ота-оналар фарзандларини суянган тоғим, эртага бу дунёдан ўтсам ортимда дуо қилиб, чирғимни ёқиб ўтиргувчи ворисим, умрим давомчиси деб, ардоқлайди, эркалайди. Бир умр оқ ювиб, оқ тараган дилбандига кексайган чоғи суянишни ўйлайди. Албатта, бу ҳар бир ота-она учун улкан бахт. Лекин ана шу бойлик ўз-ўзидан келиб қолмайди.

Айтар сўзимиз шу: фарзандимизнинг таълим-тарбияси, одоби, ҳулқи, кўчада ва оилада ўзини туттишига жиддий эътибор қаратайлик. Ҳамиша кўз-қуллоқ бўлмасак, жуда тез айнаиб кетаётганига ҳаммамиз гувоҳимиз. Демак, ҳар бир ота-она умид билан кипригида авайлаб ўстираётган ўғил-қизини учун Яратганининг ва жамиятнинг олдига баб-баравар жавобгардир.

Ишонган, суянган тоғингиз ўтқинчи ҳою-хавасларга берилмасин, интернет аталмиш “ўргимчак тўри”га илиниб қолмасин.

Ҳасантурди ҚАЮМОВ,  
Тошкент давлат транспорт  
университети катта ўқитувчиси



Самарқанд вилояти Тойлоқ туманида  
фаолият кўрсатаётган

## “АКМАЛ ТОШПРО‘ЛАТОВИЧ”

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон фуқароларини ҳамда  
барча мўмин-мусулмонларни, шукроналик,  
саховат ва меҳр-оқибат айёми –  
Қурбон ҳайити муносабати билан  
самимий муборакбод этади.

Ҳаётимизда олижаноб фазилатларни,  
бағрикенглик, мурувват, дўстлик ва ҳамжиҳатлик  
каби эзгу қадриятларни мустаҳкамлашда ушбу  
байрамнинг ўрни беқиёс.

Тилагимиз ҳар бирингизнинг касб-корингиз  
ортидан топган-тутганингиз, обрў-эътиборингиз  
янада зиёда бўлсин.

Яратган келгуси Қурбон ҳайити айёмларини  
тинчлик-тотувликда, файзу баракали  
мамлакатимизда, бағри бутунликда кутиб  
олишни барчамизга насибу рўзи айласин!

Қурбон ҳайити муборак,  
азиз Ватандошлар!



## ЭЪЛОН

## ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси саҳифаларида ўзингиз истаган ҳажм ва шаклдаги турли реклама-эълонларни ҳамёнбон нархларда чоп этишингиз мумкин.

Масалан, 2000 квадрат сантиметрдан кўп эълон берган корхона-ташкilotларга 15 фоиз чегирма берилади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, бошқа манфаатли кешбэк ва имтиёзлардан хабардор бўлиш учун

+99871 255 68 50 телефон рақамига ёки

@XXIasrmarketing телеграм манзилига боғланинг.

Тижоратингизни биз билан юксалтиринг!

Реклама ва маркетинг бўлими

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

# Шароф БОШБЕКОВ:

## МЕНИ ҲЕЧ КИМ ЁМОН КЎРМАЙДИ



\*\*\*  
Биз қийинчилиқни ёмон кўрамиз. Аксинча, қийинчилик билан дўстлашиш керак. Энг бадхулқ дўст ҳам душмандан яхши-да.

\*\*\*  
Мени ҳеч ким ёмон кўрмайди – ёмон кўришларига арзаймайдиган одам бўлсам керак...

\*\*\*  
Худо аввал эркакни бунёд этди, кейин тажриба ортирганидан сўнг аёлни яратди. Шу сабабдан аёл жисман ҳам, руҳан ҳам мукамалроқ чиққан.

\*\*\*  
Мен учун Ватан тушунчаси тил ва диндан иборат. Шу иккисидан бири бўлмаса Ватан ҳам йўқдир.

\*\*\*  
Яхши кўрган одамнинг ёмонлигини сеза олмасанг, ёмон кўрган одамнинг яхшилигини сеза олмасанг, сен – касалсан, даволанишинг керак.

\*\*\*  
Мухбир укаларим кўпинча мендан “Сиз бахтимисиз?” деб сўрашади. Индамайман. Ахир атрофимда шунча бахтсиз одамлар турганда мен қандай қилиб бахтли бўлишим мумкин?

\*\*\*  
Менга ёлгон гапирсалар хафа бўлмайман. Аммо “бу ҳеч нимани билмайди, аҳмоқ одам” деб уйласалар қаттиқ ранжийман. Шундоқ уйламаса, ёлгон гапирмас эди. Ана шуниси алам қилади. Менга ёлгон гапирсалар хафа бўлмайман.

\*\*\*  
Ҳар сафар ўтиб кетган улуғ-улуғ алломалар, буюк устозларни эслаганимда, бу дунёда фақат нодуруст одамлар қолгандек туюлаверади менга. Шу рўйхатнинг бошида ўзим турибман.

### ҒУРУР

У эрталаб ишга отланарди. Ўғилчаси кибри қолди.

илтимос қилди. У шериги нима қилган бўлса, ҳаммасини такоррлади. Фақат учта ўн сўмлик эмас, иккита йигирма бешталик тутқазди. Камроқ беришга ғурури тихирлик қилди.

– Адў, бугун тарих ўқитувчимизнинг туғилган кунлари экан, уч сўмдан йиғайтган эдик... “Синфдошларнинг олдида кўнгли чўкмасин” деб ўйлади ота ва беш сўм берди. Камроқ беришга ғурури йўл қўймади.

Таксига тушди. Манзилга етганда сечетчик бир сўм-у, ўн тийинни кўрсатди. У икки сўм берди. Қайтимини олмади. Чунки яна ғурури оёқ тираб туриб олган эди.

Хотини гап очди:

У киоска олдида бир нотаниш одам юзма-юз келиб қолди. Нотаниш одам беш тийин узатиб битта газета олди ва эринмай қайтимини кутиб турди. У ҳам битта газета олди. (Ўқиш учун эмас, уч процентли заём ютуқлар жадвали босилгани учун.) Ўн тийин ташлаб кетди.

– Тўтихон қандай сартарошхонага йўл олди. Одатдагидай сартарошхонага йўл олди. Таниш сартарош билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, соқолини олдирди. Устага керагидан бир сўм кўпроқ берди. Кам беришга ғурури ғов бўлди.

У нотаниш одам нон заводига кириб кетгунча орқасидан қараб турди. “Бу одамларга нима бўлган ўзи? Ғурур деган нарса борми буларда?” деб ўйлади у. Унинг келаётганини кўрган фаррош зудлик билан дўкон атрофига сув селиб, супура бошлади. У фаррошга бир сўм узатди. Кам беришга яна ғурур кўрғур...

Йўл-йўлакай Бек акасиникига бурилди. Ҳашаматли дарвоза олдида бошқа бир ҳамкасбини учратди. Икковлон эшик қоқдилар. Беш ёшлар чамасидаги бола чиқди. Улар бу ширинто болакайнинг дадасини безовта қилишни лозим топмадилар. Ҳамроҳи болакайни туғилган куни билан табриклаб, кеча келолмагани учун узр сўраб, қўлига учта ўн сўмлик тутқазди ва дадасига салом деб қўйишини

У бугун бор ғурурини сарф қилиб бўлган эди. Шошилмасдан дўконни очди, хотиржамлик билан оқ халатини кийди ва бамайлихотир эртанги кун учун... ғурур тўплашга киришди!

1982 йил

ХАЛҚАРО ТУРИЗМ

# Хива

## зиёрат шахрига айланади



Юртимизнинг сайёхлик салоҳиятини ошириш йўлидаги ислохотлар қисқа муддатда кескин сифат ўзгаришларига олиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Ўн йиллар аввал қадим Хивага ҳар йили ўртача юз минг чоғли сайёхлар ташриф буюраётганидан қувонган бўлсак, ҳозирда бу рақамлар янги рекордларни ураётганидан ҳам ҳайратланмай қўйдик.

Ўтган ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари қадим ва ҳаммиша навқирон Хивада бирданига иккита йирик анжуман ва спорт мусобақалари ўтказилди. Жумладан, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазириларнинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Хабарингиз бор, мазкур халқаро ташкилот томонидан ушбу йил “Хива – ислом дунёсининг туризм шаҳри” деб эълон қилинган.

Бир миллиард етти юз миллион аҳолига эга 57 давлат аъзо бўлган ИХТнинг ўзаро иқтисодий алоқаларни айнан туризм соҳаси орқали янада яқинлаштириш фояси замирида ислом қадриятларини асраш, зиёрат туризми ҳажмини ошириш ётади.

Халқаро анжуманга олти мишдан ортиқ давлатдан юздан зиёд делегациялар ташриф буюргани юртимизнинг узоқ мезгил ва бугунни уйғунлаштириб турган кўхна шаҳарларига эътибор ғоятда кучайганини кўрсатади.

Шаҳардаги муҳташам “Фаровон” меҳмонхонасида бўлиб ўтган анжуманда ислом давлатлари туризм вазириликлари томонидан сайёхлик йўналишида қилинган ишлар ва режалар ўртоқлашилди. Кун тартибда ИХТга аъзо давлатлар ўртасида туризм ҳамкорлиги, жумладан, яшил ва барқарор туризм, смарт туризм, туризм логистикаси ва

бошқа қатор йўналишларда самарали лойиҳалар ва ташаббуслар амалга оширилгани ва бу борада янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинаётганига эътибор қаратилди. Меҳмонлар Хива шаҳрида сайёхлар учун барча шароитлар тўқис яратилгани, уларга жаҳоний андозаларда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани, турли қитъалардан келадиган кўп сонли сайёхлар учун ҳаво транспорти йўллари очилгани ва очилаётгани, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиздан Хивага тезорар йўловчи поездлари қатновини йўлга қўйиш ишлари якуний паллага киргани, кейинги йили ишга тушириладиган “Жалолиддин Мангуберди” тезорар йўловчи поездлари минг чақиримлик масофани олти соатда босиб ўтиши сайёхлар оқими кескин ошишига хизмат қилишини мамнуният билан эътироф этдилар.

**Абдулазиз аш-Шаҳрий,**  
**Саудия Арабистони вакили:**

– Хивада гастрономик туризм яхши йўлга қўйилганига гувоҳ бўлдим. Мен татиб кўрган миллий таомлар мазаси оғзимда қолди. Буюк алломаларга бешик бўлган бу қадим шаҳар зиёрат туризми марказларидан бирига айланиб улгурган. Ният қилдимки, энди Хивага оиламни зиёратга олиб келаман.

**Комил Худойберганов,**  
**“Ичан қалъа” музей қўриқхонаси илмий ходими, тарих фанлари доктори:**

– ИХТнинг бу галги сессиясида бир қатор янги лойиҳалар тақдими ҳам бўлиб ўтди. Жумладан, шаҳардан ўн беш чақирим масофада – Янгиариқ туманининг Остона қишлоғида жойлашган “Остона бобо” зиёратгоҳини таъмирлаш, бу маскани туризм йўналишига киритиш учун олиб борилаётган ишлар жараёни меҳмонларга тақдим қилинди. Келгусида Боғот туманидаги Қалъажик, Ҳазораспдаги Ўши уч

минг йилга тенг Сулаймон қалъа меъморий ёдгорликларини таъмирлаш ва сайёхлар эътиборига ҳавола қилиш режалари бор. Бу эса вилоятимизга келаётган хорижлик сайёхлар оқимини янада оширади.

Анжуман ўтаётган кунларда Хивада Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган “Strongmen” халқаро баҳодирлар ўйини ҳамда халқаро “Фарҳод кубоги” мусобақалари ҳам ташкил этилгани шаҳарнинг нафақат сиёсий, иқтисодий, маънавий, балки спорт мусобақалари ўтказиш нуфузи ошганини кўрсатди. Бу мусобақаларда дунёнинг йигирмага яқин давлатидан икки юздан ортиқ полвонлар қатнашди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Хивада вилоят кўнрақ театрининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 12 миллиард сўмлик маблағ эвазига қад рўстлаган театр 160 ўринли шинам томоша залига ва болажонлар дам оладиган бир қатор қулайликларга эга.

...Уч кун кўплаб халқаро ташкилотлар эътиборини, шу орқали дунё нигоҳини ўзига тортган Хива бамисоли яшариб кетди дейиш мумкин.

Рўзимбой ҲАСАН,  
“XXI asr” муҳбири



# QURBON HAYITI

muborak bo'lsin!

**Biznesni Rivojlantirish Banki**

www.br.uz

1254

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



**Бош муҳаррир**  
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Тахрир ҳайъати:**

Ақтам ХАЙТОВ  
Бахтиёр ЯКУБОВ  
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Дилшод ШОУМАРОВ  
Сирожиддин САЙИД  
Ақшагул ТУЛЕГЕНОВА

Нодир ЖУМАЕВ  
Шўжрат АСЛОНОВ  
Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.uz  
xxi\_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)нинг 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.  
Буюртма рақами: Г – 645  
Адади: 4709  
Баҳоиси келишилган нархда.  
Топширилди – 19:00

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:  
**Маъруфжон Раҳмонов**



**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

123456

Навбатчи муҳаррир:  
**Озод РАЖАБОВ**